1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O‘ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 17-MART, SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

32 (16189)

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

O‘zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Нурсултон Абишевич!

Ҳурматли делегациялар аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Қозоғистон Республикаси Президентига ва қозоғистонлик барча дўстларимизга анъанавий меҳмондўстлик ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви айнан Остона шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас.

Муҳтарам оқсоқолимиз Нурсултон Абишевич минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида интеграциялашувни чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ғоят қисқа муддатда ташкил этилган ушбу саммит, ҳеч муболағасиз, тарихий воқеадир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очилди.

Биз минтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббусни илгари сурар эканмиз, ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун бутунлай янги имкониятлар вужудга келаётганига асосланган эдик.

Айниқса, кейинги бир ярим йилда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишувларни имзолаш имконини берган ўзаро ташрифларимиз, мунтазам учрашув ва музокараларимиз принципиал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди.

Эришилган натижаларнинг аҳамияти барчамизга маълум.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан товар айирбошлаш ҳажми, ўтган йил якунларига кўра, қарийб 3 миллиард долларни ташкил этди, яъни 20 фоизга ортди.

Бу борада ўзаро товар етказиб бериш 2 баробар кўпайди.

Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Биз мамлакатларимизни боғлаб турган энг муҳим транспорт йўлларини қайта тикладик ва модернизация қилдик, янги ер усти ва ҳаво йўлларини очдик. Ўзаро жорий қилинган чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало транзит ҳажми ортиб бормоқда.

Чегараларимиздаги ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди, биз уларнинг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтирмоқдамиз. Чегара идоралари ва божхона органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Бир нечта мисол келтирмоқчиман. Масалан, ўз фаолиятини қайта тиклаган ўтказиш пунктлари орқали ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёҳлик объектларини кўриш мақсадида давлатларимиз чегараларидан ҳар куни ўн минглаб фуқароларимиз ўтмоқда.

Бундан ташқари, чегаралар ва йўллар очилиши туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоизга арзонлашгани кузатилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай имкониятлардан аввало фуқароларимиз фойда кўрмоқда. Бу — ҳамкорликдаги ишларимизнинг амалий самарасидир.

Буларнинг барчаси минтақамизда мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиладиган улкан салоҳият мавжуд эканидан далолат беради.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорлиги кенгайиши минтақа ялпи ички маҳсулотини яқин 10 йилда камида икки баробар ошириш имконини беради.

Ҳамкорликдаги барча саъй-ҳаракатларимиз, лойиҳа ва дастурларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаб, халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ва уларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда ва мазмунан бойитмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Нурсултон Абишевич!

Ҳурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, бугун қутлуғ ва саховатли Қозоғистон заминида ўзимизни ўз уйимиздагидек, орзу-умид ва интилишлари муштарак бўлган ягона аҳил оила аъзоларидек ҳис этаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Қозоғистон Республикаси Президенти, қардошим ва дўстим, муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевга Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси йилини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ва қарори учун чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Кўп йиллик самарали ҳамкорлигимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтаётган ушбу ноёб воқеа халқларимиз ўртасидаги ҳақиқий қардошлик муносабатларининг ёрқин ифодасидир.

Яратганнинг ўзи бизга қўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз “Ҳовли олма, қўшни ол”, деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қуёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир.

Халқларимизнинг Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуғ намояндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги пайтда сиёсий иродамиз ва ўзаро интилишларимиз туфайли дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришдик.

Ҳудудларимиз ўртасидаги яқин алоқалар, одамларнинг ўзаро очиқ мулоқоти ва дўстлиги, маданий алоқаларнинг фаоллашгани эзгу мақсад — халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди.**

Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

— Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар жадал равнақ топаяпти. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига етгани муносабатларнинг қандай юксак суръатда ривожланаётганини кўрсатади. Мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказиш йўлидаги ҳаракатларимиз ҳам яқин вақтларда ўз самарасини беради, — деди Ўзбекистон Президенти.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни Қозоғистонга ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги ҳамкорлигида муҳим ўрин тутади. Ўтган икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эришилган келишувлар тарихий аҳамият касб этади. Биз бир дарёдан сув ичадиган қўшнилармиз. Шундай экан, давлатларимиз ўртасида ҳал этилмаган масала бўлмаслиги керак, — деди Қозоғистон раҳбари. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда олиб бораётган оқилона сиёсатингиз бугун бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашди. Икки давлат раҳбарлари шу давр ичида олти бора турли даражадаги ташрифларни амалга оширди. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, турли воқеалар муносабати билан телефон орқали мулоқотлар ва мурожаатномалар алмашуви ташкил этилди.

2017 йилнинг март ойида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларация ҳамда турли даражадаги 212 та ҳужжат ўзаро алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Бу ўзаро савдо ҳажми ва турининг изчил ортишида, энергетика ва машинасозлик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланганида, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик кенгайганида кузатилмоқда.

Икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётир. Транспорт қатнови соҳасида амалий ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайиб, минтақалар ўртасида шериклик мустаҳкамланмоқда, Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бошланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 10 ноябрь куни БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда мазкур учрашувни ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Ўшанда бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлаган ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев биринчи учрашувни Остонада ўтказишни таклиф қилганди.

Олий даражадаги учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Туркманистон Республикаси Мажлиси раиси Акжа Нурбердиева иштирок этди.

Учрашувни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Саммитда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий макондир. Шу нуқтаи назардан мамлакатларимиз ўртасида минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг саноат, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беради.

Давлат раҳбарлари МДҲ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди. Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## НАВОИЙ: МАҚСАД — МУАММОЛАРГА МУРОСАСИЗЛИК

Ж.ЭРКИНОВ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Навоий вилоятида “Ёшлар ҳафталиги” ўтказилмоқда. Лойиҳага ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ташкилотлар вакиллари жалб этилган.









КЕЛ, ТАНИШ, ТАНЛА! 3

**MUNOSABAT**

# БИЗНИ ЯҚИНЛАШТИРГАН РИШТА

**Қалдибек СЕЙДАНОВ,**
**адабиётшунос олим,**
**"Турон" фанлар академияси академиги**

**Халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳамиша юксак қадрланган. Ўзбек ва қозоқ элининг тили, маданияти, урф-одатию анъаналари бир-бирига ниҳоятда яқин.**

Куни кеча давлатимиз раҳбари имзолаган қозоқ адабиётининг йирик намояндаси, маърифатпарвар шоир Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги қарорини ўқиб, чексиз севиндим. Ахир, мазкур ҳужжат икки биродар халқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши аниқ.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган Абай Қўнонбоев қозоқ ёзма адабиётининг асосчисидир. Адиб Алишер Навоий ижодидан ғоятда таъсирланган. У бир шеърида шундай ёзади:

*Фузулий, Шамсий,*
*Сайқалий,*
*Навоий, Саъдий,*
*Фирдавсий.*
*Хожа Ҳофиз бу ҳаммаси,*
*Мадад бер, ё шуаро*
*Фариёд.*

Юқоридаги мисралар улуғ ижодкор Шарқ мумтоз шеъриятига нечоғлиқ эътиқод қўйганини ёрқин кўрсатиб турибди. Абай "Қора кўзлар" номли асарида: "Ўзбеклар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер, хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Зийраклик, моҳирлик, эпчиллик, уддабуронлик ҳам шуларда, сиполик, одоблилик ҳам шуларда", деган юксак эътирофларни ҳам битган.

Президентимиз қарорига мувофиқ, энди ўқувчи ва талабалар ўртасида "Абай асарларининг билимдони" иншолар танловини ўтказиш анъанага киради. Бу эса, ёшларимизни ўз асарлари орқали адолат ва эзгуликни куйлаб келган халқ оқинининг ҳаёти ҳамда ижоди билан чуқурроқ танишишга ундаши шубҳасиз.

Ишончим комилки, бундай саъй-ҳаракатлар халқларимизни янада яқинлаштиради, ижодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади.

Айтиш жоиз, ўз даврида адибларимиздан Ойбек Мухтор Авезов билан, Ғафур Ғулом Собит Муқонов билан, Абдулла Қаҳҳор Ғабит Мусрепов билан, Миртемир Абдулла Тожибоев билан, Иззат Султон Муҳамеджон Қоратоев билан, Зулфия Турсунхон Абдураҳмонова билан дўстлик ришталарини боғлаган. Янги авлод вакиллари ҳам шу йўлдан боришига умид қиламан.

Келгусида Абай Қўнонбоевнинг "Сайланма"си, "Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари" номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этилишини ҳам мен ажойиб янгилик сифатида қабул қилдим. Бундай ишлар серқирра адибнинг ижодини ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган иштиёқни янада кучайтирса, ажаб эмас.

**IMKONIYAT**

# КЕЛ, ТАНИШ, ТАНЛА!

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Таълим ва мутахассислик" XVIII халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда**




**Нозима МИЯССАРОВА**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, уларнинг ота-оналари, таълим муассасалари вакиллари жалб этилган.

Ташриф буюрувчиларга нафақат Ўзбекистон, балки Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Ҳиндистон, Япония, Латвия, Чехия, Малайзия, Испания, Россия, Швейцария каби ўнлаб мамлакатлардаги таълим тизими, ўзига хосликлари, кўзда тутилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот бериляпти.

— Инглиз тилини мукаммал ўрганмоқчиман, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи ўқувчиси Зулфия Гулмирзаева. — Кўргазмага келиб, Ёшлар иттифоқи бепул ўқув курслари очгани ҳақида хабар топдим. Бундай имкониятдан, албатта, фойдаланаман.




Экспозиция доирасида ҳунар эгаллаш иштиёқидаги йигит-қизларга бир қанча ўқув марказлари мутахассислари томонидан маҳорат дарслари ўтилмоқда. Ижодий ишлар намойиши ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ.

— Юртимизда карвинг санъати анча оммалашди, қизиқувчилар сони эса, кун сайин ортмоқда, — дейди "Иффатли келин" ўқув маркази ходими Мирзоҳид Салимов. — У кишидан ўзига яраша дид-фаросат, бой тасаввур ва матонат талаб қилади. Ёшларга сабоқ беришдан завқланаман. Кўргазмага ижодий ишларимизни олиб келдик. Шу жойнинг ўзида ўнлаб йигит-қизлар ўқув курсига ёзилди.

"Таълим ва мутахассислик" халқаро кўргазмаси бугун ўз ишини якунлайди.

**BUNYODKORLIK**

# МАНАС ОБОД ҚИШЛОҚ БЎЛАДИ

**Шоди ОТАМУРОД**

**"У яна сарғайган қирларга боқди, кичик воҳа тубида ҳансираб ётган қишлоққа боқди, лекин кўнглида азалги андуҳни туймади, андуҳ қайгадир учиб кетгандай эди. Тўлиқди, тўлиққани баробар Ошнога эшиттирмай, секингина шивирлади: ҳали бу ерлар лолазор бўлади!.. ".**





Атоқли адибимиз Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романидаги юртга чексиз муҳаббат нафаси уфуриб турган бу парчада қанчалар юксак орзу, сўнмас умид бор. Ниҳоят, вақт ўтиб, орзулар рўёбга чиқмоқда. Давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус "Обод қишлоқ" дастури асосида бугун замонавий қишлоқлар барпо этишга киришилган. Одамлар ҳаётини фаровонлаштириш, турмуш сифатини оширишга қаратилган бундай улкан саъй-ҳаракатлар Жиззах вилояти Дўстлик туманида жойлашган Манас қишлоғидан бошланганида ҳам ўзига яраша ҳикмат бор.

Манасда асосан қирғиз миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилади. Қишлоқнинг қардош халқ эпоси қаҳрамони Манас номи билан аталиши шундан. Асрлар давомида эту тирноқ бўлиб кетган халқларимиз бугун ҳар қачонгидан-да бир-бирига меҳрибон ва елкадошдир. Буни олис қишлоқда баравж олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам тасдиқлаб турибди. Кўриб ҳавасинг келади-я!

Тез орада Манас буткул янги қиёфа касб этишига ишончимиз комил. Бу эса, давлатимиз раҳбари таъкидлаган халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак, деган адолатли фикрнинг амалдаги ифодасидир.

Айни кунларда Манас томон йўл олганда оғзига хас-чўп қистириб, ўз ошёнини қурмоққа киришган оппоқ, беозор лайлакларга кўзингиз тушса, бу гўзал ҳолат дастлабки мулоҳазаларингизга туртки бўлар, эҳтимол. Замонавий юк ташиш техникаларида олис қишлоқ томон равона бўлган қурилиш материалларию мебель жиҳозлари манасликларга нафақат оддий нарса-буюм, балки бир олам қувонч сифатида келтирилмоқда. Бу ҳақда гапириш шарт эмас, ҳаммаси уларнинг юз-кўзларида шундоққина намоён.

Манасдаги ўзгаришу янгиланишларга ёшлар ҳам муносиб улуш қўшаётгани кишини беҳад қувонтиради. Масалан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаоллари Алпомиш кўчасига бириктирилган экан.

— Дастлаб ҳудуддаги барча хонадонларнинг аҳволини бирма-бир ўргандик, аниқланган муаммолар ечими юзасидан "йўл харитаси"ни ишлаб чиқдик, — дейди ташкилотнинг Марказий Кенгаши вакили Баҳриддин Аҳадқулов. — Шу билан бирга, "Фидойи ёшлар отряди"ни тузганмиз. Унга юз нафардан зиёд тенгдошимиз аъзо. Аксариятини вақтинча ишсиз ёшлар ташкил қилади. Йигитлар ҳар куни ўнлаб оилалар ҳолидан хабар олиб, атрофни тозалаб, ободонлаштирмоқда. Шу кунгача хонадонлар яқинидаги темир панжаралар олиниб, кўча тартибга келтирилди. Айрим уйларга қарашли ноқонуний қурилмалар бузиб ташланмоқда.

Яна бир маълумот: Ёшлар иттифоқи кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-бош ва китоблар улашмоқда. Шунингдек, жамоат ишларида фаол қатнашаётган ўғил-қизларга бадиий асарлар совға қилинди. Эътиборлиси, бундай хайрли тадбирлар асосида иқтидор соҳиблари кашф этиляпти. Масалан, Ҳабибулло Сафаров сомондан турли сувенир буюмларини ясайди. Мамлакат бўйича бу йўналишда ижод қиладиган ёшлар бармоқ билан санарли. Шундай экан, Ҳабибуллонинг интилишларини қўллаб-қувватлаш айни муддао. Ёшлар ташкилоти унга амалий санъат тўгараги очиб бермоқчи.




Манасда 23 та кўча бор. Ҳар бирига Иттифоқдан сардорлар бириктирилган. Улар юзлаб ёшларнинг бошини бириктириб, ҳашарга чорлаяпти. Энг фидойиларига ҳатто мобиль телефонлар совға қилинмоқда.

Ёшлар иттифоқи қишлоқда истиқомат қилаётган қизларнинг касб танлашида кўмаклашиб, олий ўқув юртларига йўналтираётгани ҳам таҳсинга сазовор жиҳат. Ёшлар бандлигини таъминлаш диққат эътибордаги яна бир муҳим масаладир. Яқинда "Манас чеварлари" масъулияти чекланган жамияти ҳамда "Холбиби Сафаргул" оилавий корхонасининг ишга тушгани манаслик хотин-қизларни беҳад қувонтирди.

"Манас чеварлари" МЧЖ раҳбари Турғун Пардаевнинг айтишича, корхонада фаолият кўрсатаётган 100 нафар ишчи-ходимнинг саксон фоизи ёшлардан иборат, 13 нафари ногирон.



— Жорий йилда Дўстлик саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлайман, — дейди манаслик Гулшода Ҳакимова. — Қишлоғимда очилган янги корхонада амалиёт ўтаяпман. Кейинчалик шу ерга ишга жойлашмоқчиман. Биз ҳар куни чексиз қувонч оғушида яшаяпмиз. Акаларим қурилишда ишламоқда. Масъул ташкилотлар вакиллари ҳар замонда келиб, туриш-турмушимиз билан қизиқяпти. Бундай эътибордан жудаям хурсандман.

Қизларни иш устида бироз кузатдик. Моҳир чеварлар тикишдан бош кўтармайди-я! Шашту-шижоатига қойил! Корхона технологи Умида Мамасолиева ҳам уларнинг ишидан мамнун.

— Ҳозирча буюртма асосида ошхона фартукларини тайёрлаб беряпмиз, — дейди Умида Мамасолиева. — Қишлоқда кўп қаватли уй-жойлар қуриб битказилгач, эшик ва деразалар учун пардалар тикишни бошлаймиз.

Ҳа, бугун Манасда ҳаёт анча илдамлаган. Ўзгаришлар катта. Муҳими, ҳаммаси яхшиликка эл-юрт равнақи учун хизмат қилади! Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган янги тизим — "Обод қишлоқ" дастури бўйича қилинаётган ишлар мамлакатимизда ҳақиқий бағрикенглик намунасига айлангани айни ҳақиқат. Юртимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишини инобатга олсак, бу иш манасликлар ҳаётида катта воқеа бўлди.

Манас — чўлни ўзлаштириш даврида бунёд этилган қишлоқ. Бу ерда чўлни бўстон қилиш, чаманга айлантириш ишида бутун умр меҳнатдан боши чиқмаган одамларнинг фарзандлари истиқомат қилмоқда. Албатта улар яхши яшашга муносиб.

Ҳадемай, Манас қишлоғида 34 та икки қаватли тураржой, бозор, стадион, болалар майдончалари сингари кўплаб объектлар барпо этилади, 19 километрлик ички ҳамда Дўстлик-М-39 халқаро автомобиль йўлини боғловчи масофада таъмирлаш ишлари бажарилади. Натижада ушбу ҳудуд республикамиздаги биринчи намунавий обод қишлоққа айланиши кутилмоқда. Кўча ва йўллар, газ, сув, электр тармоқларидаги, мактаб ва боғчалардаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари кундаи-кунга Манаснинг чиройини очибгина қолмай, манасликларда ватанпарварлик ҳиссини, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

# ЧИНОРҚИШЛОҚЛИК ОЧИЛ БУВАМАН!

## (кутилган ва кутилмаган суҳбат)

— Ҳа, болам, мени кўриб капалагинг учиб кетмадими, ишқилиб?

— Сиз кимсиз? Бирор нарса керак бўлиб қолдими?!

— Керак бўлганда-чи! Кўзимга иссиқ кўриндинг-да, ука. Аввалига анча вақт кузатиб турдим, қўлингдаги телефон кўлми, ҳовузми, нима бало, жисминг бу ёқда қолиб, хаёлан шунга шўнғиб кетганмисан, деб ўйлабман, болам. Неча чақирдим, қўлингдаги савилдан узилмадинг-узилмадинг-да. Топдим, айни мен гурунглашадиган йигитча экан, деган хаёлда кириб келавердим. Очил бувага ўхшаб.

— Қайси Очил бува? Мен танимайман ундай чолни...

— Танийсан, танимасанг таниб оласан.

— Қандайига? Ахир, ўзингизни таништиринг, амаки.

— Айтдим-ку, Очил буваман. Чинорқишлоқданман.

— Қайси Чинорқишлоқ? Эшитмаганман, қаерда ўзи у қишлоқ?

— Ҳў, баракалла, кап-катта йигит бўб қобсан-ку, наҳотки, шундай машҳур қишлоқни эшитмаган бўлсанг?

— Қаерда у қишлоқ?

— "Чинор"да.

— Қайси чинор? Очил бува ким?

— "Чинор" деган романни айтяпман.

— Мен роман ўқимаганман...

— Йўғ-е, ундай дема, болам, ёшинг нечада?

— Йигирмадан ошяпман...

— Йигирмадан?.. Ия, буни қара-я, ўзимизда Асқад Мухтор деган машҳур ёзувчи яшаб ўтган. Тўхта, чамалаб кўрай-чи, айни адиб вафот этган йили туғилган экансан, ё тавба! Ўша ажойиб ёзувчи сенга ўхшаш ёш ўспирин йигитлар ўқирмикан, деган ниятда шеър ёзган, роман ёзган. Росаям ақлли ёзувчи бўлган ўзиям! Очил бува деганим — роман қаҳрамони. Қария. Минг ёшли чол.

— Минг ёшли?! Одам минг йил яшайдими?

— Яшаганда-чи! Мана мен ўша Очил буваман. Ёзувчи ўзи ўтиб кетади дунёдан, лекин яратган қаҳрамони ўлмайди. Асқад Мухтор менга тайинлаган, сиз ўлмайсиз, шаҳар-қишлоқларни кезиб юрасиз, айниқса, ёш йигит-қизлар билан кўп-кўп суҳбатлар қурасиз, уларнинг қалбига йўл топасиз, деган. Улар билан тил топишасиз, деб ният қилган.

— Билмадим... Қандай қилиб?

— Бир гап қулоғингда бўлсин, зинҳор "билмадим" деган сўзни тилингга олма. Азимжон ҳам билмаганларини ўз кўзи билан кўриб оғзи очилиб қолган.

— Қайси Азимжон?

— Очил буванинг невараси, чет элда яшайдиган миллионер!

— Миллионер?!

— Жўн миллионер эмас, ўқиган, билимли миллионер, дунё кўрган миллионер. Билмаган нарсаси йўқ. Сен ҳам манави ҳовлингда телефон титкилаб ўтирмасанг биласан, дунё ҳамиша билганники! Неварам Азимжоннинг ўша ёқларда юмуши кўп бўлгани билан юрт соғинчи тортиб келади. Ахир, бу ерларда қанчадан-қанча жигарлари яшайди! Энг ўзбекона туйғу биласанми, нима? Соғинч! Ўзбек соғинчи билан ўзбек, болам! Хуллас, Азимжонни ёнимга олдим-да, кетдик, дедим. Невара, эвара, чеваралар борми, жиянлар борми, бирма-бир уйма-уй юриб дийдорлашамиз, дедим. Ке-етдик! Наҳотки, ўқимаган бўлсанг, ука?

— Айтдим-ку, ўқимаганман. Эшитмаганман ҳам ... Мен роман ўқимайман...

— Нега энди ўқимас экансан? Ўқишга ихлосинг баландга ўхшайди-ку?

— Қаердан билдингиз?

— Ҳовлингга кириб келдим, тут дарахтининг соясидаги сўрида ёлғиз ўзинг, оёғингни осилтири-иб ўтирган экансан. Кўзинг телефонда. Алланималарни ўқияпсан. Чақирсам, эшитмайсан. Дам-бадам пичирлаб қўясан. Яна жим бўлганча аллақанча вақт телефондан кўз узмадинг. Шу ҳам ўқиш-да, асли.

— Зерикканимдан телефон титкилайман...

— Зерикаман?! Э, яшшавор, оғайни! Менга ҳам зерикишни ўргатасанми?

— Зерикишни? Қанақасига ўргатаман?! Зерикишниям ўргатиш мумкинми?

— Дунёда ўрганиб бўлмайдиган нарса йўқ. Ўртоқларинг ҳам ўзингга ўхшаганми? Ҳаммаси уй-уйида биқиниб олиб телефон титкилашдан бошқага ярамайдими?

— Й...й... йўқ, ўзича нималардир қилиб юрганлари кўп. Мен... уйдан чиққим келмайди. Кўпинча ўртоқларимга қўшилавермайман ҳам.

— Ҳа-а, яша! Яшшавор, оғайни! Менга шу гапинг керак эди. Ўртоқларимга қўшилавермайман дедингми?! Нега қўшилмайсан? Одам одам билан тирик, ахир. Ёр-биродарлар, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, деган нарсаларни ўйламайсанми? Ҳадемай оила қуришинг керак, ҳеч кимга қўшилмай якка ўзинг ўтираверсанг, тўйингда ким куёвжўра бўлади? Ким куёв навкар бўлади? А, лаббай? Мен билан дўстлашасан, келишдикми?

— Сиз билан?.. Қандай қилиб? Дам ука дейсиз, дам ўғлим, дам оғайни? Тушунолмай қолдим...

— Ҳа-а, баракалла, сен ва сенга ўхшаш йигитлар мен учун ҳам ўғил, ҳам ука, ҳам оғайни. Уларнинг ҳаммаси менинг ватандош-юртдошларим. Сен нима қилишингни билмай, зерикиб-ёлғизланиб ўтирар экансан мен тинч-хотиржам бўлолмайман. Шу ёшимда жоним ичимга сиғмай кетади десанг! Ўзбекистон-чи, мутлақо бошқача давлат бўлиб боряпти, ҳаёт ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти, сенга тенгқур ёш йигит-қизлар ғайратидан тунлари уйқуси келмаяпти-ю, сен бўлсанг, қўшилмайман, зерикаман де-еб ўтирибсан-а! Вой жонингдан айланай! Вой, тоқатингга балли!

— Тушунолмай қолдим... Ҳайронман...

— Ҳайрон бўлишда ҳам бир ҳикмат бор. Ҳайрат ҳайрон бўлишдан бошланади, ҳайрат эса, сени буткул бошқа одамга айлантириб қўяди, бошқа одамга! Мен сенинг ичингдаги ўша бошқа одамни кўриб турибман.

— Қанақа бошқа одам?..

— "Чинор" романини айтим-а? Асарнинг номини эсингда тут — "Чинор"! Ривоят дейсанми, эртак дейсанми, қисса дейсанми — ҳаммаси бор. Бунақа роман кам ўзбек адабиётида! Ўзим ўқий-ўқий ҳайратланганманки, сенга айтиб беряпман. Асарда саргузашт дейсанми, афсона, қаҳрамонлигу севги-муҳаббатми — ҳаммасидан бор. Сен китобни қўлга олиб ўқишни бошласанг бас, уёғи кетаверади, тугатганингни билмай қоласан. Фақат эҳтиёт бўл, ука, тағин ўзинг ёзувчи бўлиб қолмагин.

— Қизиқ экансиз, китоб ўқимаган одамга ёзувчиликни ким қўйибди.

— Илло ёзувчилик қобилиятинг борга ўхшаяпти-да.

— Менда-я?! Қаердан била қолдингиз? Ахир, мен...

— Кўпгина зўр ёзувчилар камгап бўлган. Чин сўзим. Ўша машҳур Абдулла Қодирий ҳам ўтакетган камгап бўлган.

— "Ўткан кунлар" деган кинони ёзганми?

— Ана, билар экансан-ку! Топдинг! Фақат, кинони эмас, шу номдаги романни ёзган. Кейин роман асосида кино ишланган.

— Икки марта кўрганман...

— Қойилман! Ўша фильмни икки марта кўрган одам китобига ҳам қизиқиб кетиши муқаррар! Мени айтди, дерсан.

— Мактабдаги кутубхоначи опадан сўрасам, "Сенга ким қўйибди китоб ўқишни!", деб устимдан кулган эди. Қайтиб кутубхонага бормадим.

— Кутубхоначи опа сенга ҳайрон қолганидан шундай деган-да, тушмагур. Одатда сира китоб ўқимайдиган йигит-қизлар бирдан китобга қизиқиб қолса бошқалар осмонда иккита қуёш кўргандай ҳайратга тушади. Тўғрисини айтсам-чи, ҳаётда қизиқарли нарсалар шу қадар кўпки!..

— Сўрига чиқинг, меҳмон бўлинг. Чой келтирай...

— Чойдан-да, нондан-да, кам эмас мана шу суҳбатинг, болам. Борингга шукр. Жонинг соғ бўлсин, илоҳим.

— Ҳозир қаерга борасиз?

— Яна шаҳару қишлоқ кезаман. Юртимизда мен учун нотаниш хонадон, нотаниш одам йўқ. Бир гапни қулоғингга айтиб қўйишим шарт: "Ўтган кунлар", "Чинор"га ўхшаш... эҳ-ҳе, китобларга меҳр қўйсанг бошқача яшай бошлайсан, бошқача одам бўлиб қоласан. Ҳа-а, мени айтди дерсан — ўшанда зерикишга фурсат тополмай қоласан. Мен эса осмондан тушгандай, ердан чиққандай бўлиб етиб келаман, гурунглашаман, дилингдан кечаётган дардларингга қулоқ соламан. Яқин сирдошинг-ўртоғингга айланаман. Айниқса, ёш йигит-қизлар борки, уларнинг барча-барчаси мен учун қадрдон. Улар билан суҳбат қураман, танишаман, дардлашаман. Энди билгандирсан мени, яъни Очил буванинг кимлигини? Замонавий Очил бувани! Телефонингни ол, суратга тушириб қўй! Тагига ёзиб қўясан: "Чинорқишлоқлик Очил бува!" Эслаб юрасан!

— Бажонидил, бобо. Уйимизга, қишлоғимизга яна келинг. Ўзимга ўхшаш ўртоқларим сиз билан жон-жон деб суҳбатлашади.

— Айтдим-ку, тез-тез келиб тураман.

— Яна бир илтимосим...

— Айтавер, тортинма, қулоғим сенда.

— Сиз айтган... "Ўтган кунлар", "Чинор" романларини... ўша китобларни қаердан топсам бўлади?..

**Суҳбатни**
**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**
ёзиб олди.

BUGUNNING GAPI

# КИМ ЎЗАРДА КИМ ТЎЗАР?

**Насиба АБДУЛЛАЕВА**

**Тўй — Ер куррасидаги бутун инсоният учун қувончли ва унутилмас маросим. Ҳамма халқларда ҳам бу кунга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Қариндош-уруғ, юракка яқин кишилар таклиф қилиниб, кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун ҳаракат қилинади. Бизда ҳам шундай.**



Тўй шундай эзгу маросимки, унинг баҳонасида хонадонлар таъмирланади, ҳовлилар тартибга солинади. Гина-аразлар унутилиб, узилиб кетган қариндошлик риштлари тикланади, узоқ вақт кўришмаган яқинлар дийдорлашади. Кийинишга ҳафсаласиз юрган киши бозор оралайди. Шу куни бемор ётганлар, қариялар, азадор хонадонлар тўй оши, нон, қанд-курс, пишириқлар билан йўқланади.

Одамларни биродарлик, ҳамжиҳатликка чорловчи бу маросим кейинги пайтда ким ўзар мусобақасига айланиб кетгани оғриқли ҳол, албатта. Бир кунлик тўй ўтади, кетади. Лекин ундан кейинги машмашалар бир умрга етади. Маънавий қашшоқлик инсониятни доимо таназзулга бошлаган. Қайсидир пул топиб ҳисоб топмаганлар томонидан "кашф қилинган" удумлар, ортиқча дабдабалар касридан юзлаб, минглаб оилалар моддий инқирозга юз тутмоқда. Тўй дастурхонидаги исрофгарчилик, ичкиликбозликларни кўриб, юрагингиз эзилмасдан иложи йўқ. Ундаги ҳар бир қўйилган неъмат кимнингдир заҳматли меҳнатининг маҳсули, ахир!

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди "Нуроний" жамғармаси фаоллари халқимизга бежиз мурожаат билан юзланмади. Дабдабали тўй ҳеч қачон ҳеч кимга бахт келтирмаган. Сохта савлат орттириб, узоққа бориб бўлмаслиги ҳам аниқ. Пул кетса-кетсин, обрў кетмасин деган нодон асаб ва соғлиқ кетганини назарга олганмикин? Тўйларни тартибга солиш ҳақида кўп бора гапирилгани билан жиддий ўзгаришлар бўлмагани боис, ушбу масалага Президентимиз шахсан эътибор қаратди. Мурожаатномада ҳам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, ўғил-қизлар, ватандошларимизга алоҳида юзланилган. Лекин беш қўл баробар эмас. Одамлар орасида юрганда турли муносабатларга дуч келасиз.

**Ҳабиба Содиқова, тадбиркор:**

— Пул топиш қийин, уни сарфлашдан эса, осони йўқ. Мен ҳам келгуси йили ўғил уйлайман. Қариндош-уруғларим кўп, ҳаммасининг тўйига борганман, уларни ҳам айтмасам, хафа бўлади. Шахсан ўзимнинг катта тўй қилишга қурбим етади.

**Ёқут Исломова, шифокор:**

— Тўйларни жуда камчиқим ўтказиш, енгилгина харажат қилиш тарафдори эмасман. "Жон куйдирмасанг жонона қайда", дейди халқимиз. Осонгина эришилган бахт қадрсиз бўлади, ахир!

**Икром Саидов, пенсионер:**

— Ҳайҳайлаган тўй қилганларга эргашиб катта хато қилдик. Тўй харажатларига етказолмай ўғилларимни Россияга ишлашга жўнатдик. Улардан бири ўпкасини совуққа олдириб, сил касалига мубтало бўлди.

* * *

*Мурожаатномада айтилган гаплар баъзи ҳамюртларимизга ёқмас, лекин, умуман олганда, одамлар тўй дабдабалари, ортиқча чиқимлардан ғоят чарчаган. Юртимизга янгиланишлару бунёдкорлик одимлари билан кўклам ташриф буюрди. Тўйлар мавсуми бошланмоқда. Карнай-сурнайларнинг вот-воти, ноғоранинг шўх така-тумидан кўнгиллар энтикади. Миллат юксалишига, унинг тараққиётига ғов бўлиб келган иллатларни бартараф қилишда Президентимизга ёшу қари — барчамиз елкадош, ҳамқадам бўлмоғимиз лозим. Зеро, меъёр ва мезон унутилмаган юртда тўю томошалар бардавом бўлаверади.*

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

# АШЪОРЛАРДА Наврўз мадҳи

**Санжар ЭШМУРОДОВ**

Тотувлик, меҳр-муҳаббат, янгиланиш айёми қалбимизга туганмас қувонч бағишлайди. Ўйин-кулги, тўю томошаларга бой шодиёна ҳар қайси кишининг илҳомини жўш урдиради. Шу сабаб халқ оғзаки ижодиёти ҳамда мумтоз адабиётимизда бу байрам ўзига хос ифодасини топган.

"Жарчилар қўшиғи", "Наврўз ўланлари", "Наврўз олқиши" каби фольклор намуналари эл ичида, айниқса, машҳур. Жамоа бўлиб куйланадиган "Наврўз ёр-ёри", "Жарчилар қўшиғи" давраларга ҳамиша кўтаринкилик олиб кирган.

**Гул Наврўз этагида**
**Ҳалинчак бор, ёр, ёр,**
**Ҳалинчакнинг бошида**
**Келинчак бор, ёр, ёр...**

Содда ва ўйноқи сатрлар хотирангизга тезда муҳрланади. Оҳанграбоси мафтун этади. Чунки улар руҳиятимизга яқин-да. Наврўзга бағишланган куй-тароналарда неча асрлик бой анъаналаримиз, қолаверса, кўкламнинг мазали таомлари ҳам тилга олинади.

**Сумалакка йиғилар,**
**Катта-кичик, ҳамма ҳам,**
**Пишиб чиқса, татисанг,**
**Кўнгиллар қувнар бирам.**
**Сумалакжон, сумалак.**

Бу ашъорлар аллақачон маънавий меросимиз, қалб мулкига айланган.

Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий асарларида Наврўз ва унинг тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилган. Инчунин, туркий тилдаги илк ғазалнинг Наврўзга бағишлангани ҳам тасодиф эмас.

**Кун ҳамалға кирди эрса,**
**келди олам наврўзи,**
**Кетди баҳман, замҳарир қиш,**
**қолмади қору музи...**

Матласи билан бошланувчи ушбу ғазал "Қиссаси Рабғузий" асарида келтирилган. Унда ҳамал ойи бошланиши билан қишнинг қор музи қолмаслиги, дунёнинг қайта тирилиши ҳақида айтилган. Баҳор фасли ҳамда Наврўзи оламнинг тароватни бадиий ифодалар ёрдамида очиб берилган

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий шеъриятида ҳам Наврўз мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Адиб ёрни халқ орасида севимли Наврўз образи орқали тасвирлаган.

**Мувофиқ кийдилар — бўлмиш**
**магар Наврўз ила байрам,**
**Чаман сарви яшил хильват**
**менинг сарвиравоним ҳам.**

Огоҳийнинг Наврўз байрами ҳақидаги битиклари ҳам биз учун қимматли манбадир. Улуғ шоир "Наврўз" радифли ва бошқа ғазалларида бу байрамни поэтик образга айлантира олди.

Замонавий адабиётимиз вакиллари ҳам ўз шеърларида янгиланиш ва яшариш фасли, Наврўз тароватини мадҳ этиб келмоқда. Айниқса, Абдулла Ориповнинг "Наврўз", Эркин Воҳидовнинг "Наврўз нашидаси", Ҳалима Худойбердиеванинг "Наврўз хаёллари", Иқбол Мирзонинг "Наврўз қўшиғи" шеърлари халқимиз юрагидан чуқур жой олган.

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

# МУҲОКАМАДА — МАТБУОТ МУАММОСИ

**Қумар БЕГНИЯЗОВА**

Нукус шаҳрида ўтказилган Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси миллий журналистикамиз муаммоларига бағишланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси директори Қаллибек Нағметов, "Нукус FM" радиоси ва "Жаслар ТВ" телеканали директори Бахтбек Элманов, "Қорақалпоғистон хабар" ахборот агентлиги директори Эсимхан Қанаатов, Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги бўлими мудири Бахтияр Жиемуратов ёш репортёрлар билан суҳбатда бўлди.

Мулоқот жараёнида соҳадаги муаммолар хусусида гапирилиб, уларнинг ечимига доир таклифлар берилди. Айрим телебошловчиларнинг имижи, фақат фойда ортидан қуваётган матбуот нашрлари танқид остига олинди. Нега айрим мухбирлар "қолип"га тушиб қолгани, ўз маҳоратини оширишга қизиқмаётгани ва бошқа шу каби оғриқли саволларга жавоб изланди.

Якунда ёш репортёрлар "Журналистиканинг бугуни ва келажаги" мавзуида тақдимот қилди.

BOLALAR SPORTI

# ФИНАЛДА 12 КИШИ ҚАТНАШАДИ

**Шавкат КАРОМОВ**




Қашқадарёда "Ёшлар шахмат тахтаси" республика очиқ турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 180 нафар спортсевар ёш ўзаро куч синашди.

— Мақсадимиз ўғил-қизларнинг ақлий салоҳиятини чиниқтириш, спортга меҳрини ошириш ҳамда улар орасидан иқтидорлиларни саралаб, рағбатлантиришдан иборат, — дейди Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши бўлими мудири Дилшод Эргашев.

Муросасиз кечган баҳслар якунига кўра, олти ёш тоифаси бўйича 12 нафар ғолиб аниқланди. Улар муносиб тақдирланиб, жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

OGOHLIK — DAVR TALABI

# ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

**Б.АБДУҲОЛИҚОВ**

Тошкент шаҳридаги подполковник Одилжон Аҳроров командирлик қилаётган ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳарбий хизматга янги чақирилган шахсий таркиб иштирокида "Ноисломий диний ташкилотлар ва миссионерлик фаолиятининг салбий оқибатлари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг турли кўринишлари ҳақида ёшларни тадбирга таклиф қилинган махсус маърузачи — Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ходими Нурулло Турамбетов хабардор этди.

Таъкидланганидек, диний экстремистик ғоялар таъсирида инсон манқуртга айланади. Миллий манфаатларимиз ва маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид эса, жамиятни инқирозга бошлаши муқаррар. Шу туфайли терроризм, гиёҳвандлик, миссионерлик каби глобал муаммоларга бефарқ қарамаслик керак.

Тадбир сўнгида мавзуга доир ҳужжатли фильм намойиш этилди.






## Кредит ололмаётганлар бор

Кармана туманида ёш фермерлар билан ўтказилган очиқ мулоқот давомида соҳадаги ислоҳотлар самараси ҳамда истиқболлари баробарида, айни вақтда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам дадил тилга олинди.

"Обод турмуш келажаги" фермер хўжалиги раҳбари Наргиза Маманова пахта ва ғалла режасини ортиғи билан бажариб келмоқда. Иссиқхонаси ҳам бор. Энди у етиштирган меваларини қайта ишлаб, қуритилган ҳолда хорижга экспорт қилмоқчи. Ёш фермер махсус цех очишга тайёр (шу аснода15 нафар киши иш билан таъминланади). Фақат технологияни харид қилиш учун банкдан кредит олишда қийналяпти. Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши бу борада Наргизахонга ёрдам қўлини чўзадиган бўлди.

Тадбир давомида иштирокчилар ер олиш, бизнес режа тузиш, гаров таъминоти, айланма маблағни шакллантириш ва бошқа масалалар юзасидан ҳам мутахассисларга юзланди. Ҳар қайси муаммони индивидуал тарзда кўриб чиқиб, ҳал этиш бўйича ҳудуд мутасаддиларига аниқ топшириқлар берилди.

**Насиба ФАЙЗИЕВА, ёш тадбиркор (Нурота тумани):**

— Момомерос ҳунар — каштачилик билан шуғулланаман. 13 нафар шогирдим бор. 2017 йилда "Менинг бизнес ғоям" танловида ғолиб бўлдим. Мукофотига менга "Халқ банки"-нинг туман филиали 8 миллион сўм миқдорида кредит ажратиши керак эди. Бироқ ҳанузгача ваъда қилинган маблағни ололганим йўқ. Иттифоқнинг туман кенгаши муаммони ҳал қилиб берди.

**! Ҳафталик доирасида Кармана тумани ҳокими "Агрокластер" ўқув-тажриба ҳудудини ташкил этиш учун 33 гектар ер майдони ажратди. Энди бу ерда ёш фермерлар балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик, чорвачиликдаги замонавий тенденциялар билан танишиб, билим ва тажриба алмашиши мумкин бўлади.**

## Ёндашув ўзгаради

Навоий давлат университети қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари лицейида Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази мутахассислари томонидан семинар-тренинг ўтказилди. Унда умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчи ва психологлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

— Ажримларнинг олдини олиш, ёшларни оилага тайёрлаш, нотинч оилалар билан ишлаш борасида керакли тавсиялар олдик, — дейди "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси Муборак Рўзиева. — Уларни амалиётга татбиқ этсак, ўйлайманки, фаолиятимизнинг самарадорлиги янада ортади.

Шунингдек, семинарда турфа феълли ёшлар билан ишлаш, бола хулқининг бузилиш сабаблари ва бунинг олдини олиш борасида ҳам тегишли маслаҳатлар берилди. Уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммолари муҳокама қилинди. Таълим муассасаларидаги психолог-мутахассислар билан тушкунлик ҳолатидаги, жиноятга мойиллиги бор, ўз жонига қасд қилишга уринган ёшлар билан мулоқот қилиш талаблари ўрганилди. "Ягона микрофон", "Ўнг қўл қоидаси" каби замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

— Хулқи ёмон ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан ишлашда турли қийинчиликларга дуч келаётган эдим, — дейди Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби етакчиси Дилноза Ризаева. — Энди улар билан ишлашда янгича ёндашув ва самарали усулларни ўрганиб олдим. Улардан албатта, фойдаланаман. Бу каби семинарлар ҳар бир туманда ўтказилса, янаям яхши бўларди.

Ёшларга психологик хизмат кўрсатиш маркази томонидан Кармана туманида ҳам шундай семинарлар ташкил этилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Муҳими, мақсад ҳам шу эди.







# НАВОИЙ: МАҚСАД — МУАММОЛАРГА МУРОСАСИЗЛИК





## Таклифлар ёмон эмас

"Ёшлар ҳафталиги" доирасида Республика ёш олимлар кенгаши вакиллари Қизилтепа агросервис ва транспорт касб-ҳунар коллежида илмий салоҳиятга эга йигит-қизлар билан учрашув ўтказилди. Тадбир давомида ёшлар ўз лойиҳа ва ишланмаларини намойиш этди. Масалан, 1-мактаб ўқувчиси Файзжон Курашов муқобил энергия асосида ишлайдиган замонавий трактор яратган. У экологияга зиён етказмаслиги, камчиқимлиги ҳамда кўп функцияли экани билан ажралиб туради.

Учрашув давомида ёш ихтирочилар республика миқёсидаги танловлардан хабардор эмаслиги, улар таълим олаётган муассасада махсус тўгараклар деярли йўқлиги аниқланди. Ёш олимлар кенгаши мутахассислари қизилтепалик йигит-қизларга илмий лойиҳа ва ишланмаларини мукаммаллаштириш бўйича керакли тавсиялар берди. Ўқувчилар Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчиларига бириктирилди.



Шу ўқув даргоҳининг ўзида бўлиб ўтган навбатдаги жонли мулоқот давомида эса, талабалар"Ёш олимлар" журналини чоп этиш, Интеллектуал мулк агентлигининг Навоий филиалини очиш каби таклифларни илгари сурди.



## Сардор ва поспон — ҳамкор

Ҳафталик доирасида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳам семинарлар ўтказмоқда. Унда "Камалак" болалар ташкилоти бош сардорлари, ҳудуддаги маҳалла посбонлари иштирок этяпти. Институт мутахассислари сардор ва етакчиларга ёшлар билан ишлашда дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида зарур маслаҳатлар бериб, уларнинг маҳалла посбонлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, Нурота, Навбаҳор, Конимех, Томди ва Зарафшон туманларида ўтказилган семинар-тренингда ёшларга амалий кўмак бериш борасида таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, муҳокама қилинди. Шунингдек, сўровнома ўтказилиб, айрим етакчи ва посбонларнинг етарли билимга эга эмаслиги аниқланди. Баъзи жойларда посбонлар етакчилар билан алоқани бутунлай тўхтатгани аён бўлди.

— Тенгдошларимизни юрт тараққиёти йўлида бирлаштириш — бош вазифамиз, — дейди Нурота туманидаги 55-умумтаълим мактабининг "Камалак" болалар ташкилоти бош сардори Севинч Раҳмонова. — Афсуски, аксарият ҳолларда посбонлар билан алоқамиз узилиб қолганди. Бугунги семинар орқали бир-биримизни яқиндан таниб, келгусида бажаришимиз лозим бўлган ишларни белгилаб олдик.












Саҳифа материалларини Жавлон Вафоев, Санжар Эшмуродов, Дилноза Абдуҳамидова тайёрлади.
Ж.Эркинов, Ш.Ғайбуллаев

BAYRAM SHUKUHI

# Хуш келдинг, Наврўз!

Фасллар келинчаги баҳорни орзиқиб кутмаган одам борми?! Бутун борлиқ, табиат яшилликка бурканиб, ҳаёт қўшиғини айтар чоғида қалбинг жунбишга келади. Кенг адирларга чиқиб, яйраб, кўнгил ёзгинг, вужудингга сиғмас шодликни бошқалар билан-да баҳам кўргинг келади.









Ш.Ғайбуллаев

Ҳа, биз ана шундай самимий, нияти пок ва дили шод халқмиз. Шу боис ҳар кунимиз байрам. Ҳар кунимиз Наврўз! Ҳаммага бирдай татиб, хуш ёқадиган ушбу гўзал айёмни дўсту тенгдошларимиз ажиб бир руҳ ва кўтаринки кайфият ила қарши олаётир. Бугун қишлоқу шаҳарларда ёшлар сайиллари ўтказилмоқда. Миллий қадриятларимиз жамланган бундай тадбирлар кишига завқу шавқ улашиши табиий. Тарбиявий аҳамиятини айтмайсизми.

Куни кеча ёшлар сайлидан **Пайариқ** туманининг тоғли ҳудудида жойлашган "Ғаллакор" маҳалласи аҳли ҳам баҳраманд бўлди. Баҳорни соғинган юзлаб ўғил-қизлар қирга ошиқиб, миллий ўйинлар, халқ оғзаки ижодидан термалар куйлашга киришди. Ҳамманинг юзида қувонч акс этди.

***

**Навоий**нинг Навбаҳор туманида ҳам байрам авжида. Бу ерликлар Наврўзи оламни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан баҳамжиҳатликда нишонламоқда. Мана, яқиндагина ўтказилган сайилда нақ минг нафардан зиёд йигит-қиз, шу жумладан, барча таълим муассасаларидаги етакчию сардорлар жам бўлди.

Миллий таомлар намойиши, арқон тортишу варрак учириш мусобақалари иштирокчиларга олам-олам қувонч улашди. Бундан ташқари, Иттифоқ фаоллари шахсий ташаббус кўрсатиб, йигирмата қозонда ош дамлади.

— Ёшлар сайли чин маънода дўстлик байрамига айланди, — дейди иштирокчилардан бири Бахтинур Раимов. — Ўзимизнинг урф-одатлар бошқача-да. Наврўзи оламда бари мужассам. Шу боис ушбу гўзал айёмни ҳар йили интиқлик билан кутаман. Бугунги кунимиз ажойиб ўтди. Ташкилотчиларга катта раҳмат!



***

**Сурхондарё**да ўтказилган Наврўз шодиёнасида воҳа ёшлари асрий урф-одатларимизни акс эттирувчи кўргазмали чиқишлари билан қатнашди. Байрамга Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши бош бўлди. Меҳмонлар орасида Термиз шаҳридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази вакилларини ҳам учратдик. Афғон ёшлари сайил баҳонасида маза қилиб дам олди, кўплаб ўзбекистонлик тенгдошлари билан дўст тутинди. Ҳатто биргаликда миллий ўйинлар акциясида фаол қатнашди.

Миллий либослар, таомлар ҳамда ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик чиқишлари тадбирга алоҳида файз киритди.

**Мухбирларимиз.**

"Қадриятим — қимматим" ижодий ишлар танлови

## "Дўппи отиш" маросими ўтказилади

**Сема ЭКБЕРОВА**
Баку шаҳри

Озарбайжон халқи Наврўзга тайёргарликни ўзгача бошлайди. Қиш поёнига етар чоғи эски йилдаги ғам-андуҳлар куйиб кул бўлиши учун майдонда катта гулхан ёқилиб, устидан сакраб ўтилади.

21 март куни одамлар эрталабдан анҳор бўйига боради, ювиниб, бир-бирига сув пуркайди. Бу удум янги кунни покланиб кутиб олишга ишора. Нонуштани, албатта, ширинлик билан бошлаш керак. Байрам дастурхонида етти хил таомдан ташқари, сут, сирка, дон, кўкатлар, турли рангларга бўялган тухумлар, шунингдек, кўзгу ва шам туриши шарт.

Наврўз куни дарвозалар очиб қўйилади. Бизда "Дўппи отиш" маросими бор. Унга кўра, болалар эшик қоқиб келган хонадон ичкарисига бош кийимини отади. Уй эгаси эса, уни ширинликларга тўлдириши керак. Қўни-қўшниларнинг бир-бирига ундирилган буғдой, миллий ширинликлардан — пахлава ва шакарбура олиб чиқиши ҳам урфга айланган.

O'QING, BU QIZIQ!

## Тенгкунлик чоршанбага тўғри келса...

Ҳаким ат-Термизий "Наврўзнома" асарида Наврўз ҳафтанинг қайси кунида келишига қараб муайян осмон жисмига тааллуқли бўлиши ҳақида ёзган.

Чунончи, Наврўз якшанба куни келса, у Қуёшга тааллуқли бўлиб, йилнинг фаровон бўлиши, душанба куни келса, Ойга тааллуқли бўлиб, ёмғир кўп ёғиши, ноз-неъматларга бой йил бўлиши, сешанба куни келса, Миррих (Марс)га тааллуқли бўлиб, хотиржамлик бўлиши, чоршанба куни келса, Муштарий (Юпетер)га тааллуқли бўлиб, баъзи жойларда неъматлар сероб, қаердадир кам бўлиши, қор-ёмғир кўп ёғиши, жума куни келса, Зуҳра (Венера)га тааллуқли бўлиб, йил шодлик ва фаровонликда ўтиши, шанба куни келса, Зуҳал (Сатурн)га тааллуқли бўлиб, ёмғир кўп ёғиши, кузги қиш узоқ бўлиши кўрсатиб ўтилган.

**Зойир ЗИЁТОВнинг "Наврўз — мозийдан садо" китобидан олинди.**

## "BAHOR AYYOMI" BILIMDONLIK MASHQLARI




**MUAMMONOMA**
Avvalo quyidagi ijod sohiblarining navro'z ayyomi haqidagi ibratli misralarida keltirilib, raqamlarda yashiringan kalit so'zlarni toping.

Alisher Navoiy:
1. Vasli aro ko'rdim, 15, 20, 3, 8 emish bo'yiyu sochi,
Tun-kun teng ekan, zohir o'lur 13, 10, 2, 16, 9 chu navro'z.

Nosiriddin Rabg'uziy:
2. Kun hamalg'a kirdi ersa, keldi 1, 2, 6, 12 navro'zi,
Kechdi Bahman zamharir qish, qolmadi qori bo'zi.

Muhammadrizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy:
3. 20, 14, yor sango tangri taborak bo'lsun,
Navro'z ila toza yil muborak bo'lsun.
4. Berib ul husni 5, 1, 19, 9 bo'lsa naqdin,
Xazinalarg'a debon in'om navro'z.
5. 3, 6, 4, 13, 6, 19, 1, 7 ayyomi har kimqilsa sahro sayrini,
Aylagach haz topar firdavsi a'lo sayrini.

Mumtoz adabiyotimizda yaratilgan «Gul va Navro'z» dostonidan:
6. Yangi yilning boshinda – ro'zi navro'z
Sadafdin chiqdi bir 16, 18, 7, 7, 9 shabafro'z.
Sevingandan otasi ganjin ochdi,
Nekim 17, 1, 11, 1, 3, 8, 6, 3, 9, 3 olamga sochti.
Ulug' to'ylar qilib, ishratlar etdi,
Yaratqon birla ko'p niyatlar etdi.
... Chu navro'z bo'ldi navro'z ichra Firuz,
Atodi o'g'lining otini Navro'z.

Endi shakl atrofidagi raqamlarni kalit so'zlari javoblaridagi harflar bilan almashtirish orqali muammonomani hal eting. Bunda ulardan sharqona shodiyonaga oid qiziqarli ma'lumot va uni yozib qoldirgan o'rta asr qomusiy allomasi, vatandoshimizni bilib oling.

KROSSVORD Bo'yiga: 1. Ayyom taomi. 2. To'q safsarrang ochiladigan xushbo'y bahor guli. 7. Ko'klamdan darak beruvchi parranda. 8. Bolalarning bahorgi o'yini. 9. O'simlikning bargga aylanuvchi a'zosi. 15.Binafsha yoki havorang gulli giyoh. 16. Qarg'aning yana bir nomi. 18. Ta'mi nordon tog' o'simligi. 19.Gulzor, ko'rkam maskan. 23. Tog' atirguli nomini olgan mevasi shifobaxsh buta. 27. Navro'z taomi pishiriladigan anjom. 28. Qo'shiqqa aylangan gul. 29. Momaqaymoqqa berilgan nom. 45. Bahor somsasi pishiriladigan ko'kat. 46. Shaftolining ayollar ismiga nomdosh navi.

Eniga: 4. Sharafiga sayillar o'tkaziladigan gul. 14. Tola olinadigan ekin. 17. Paxta tupi. 24. Quyoshli payt. 26. Ho'l meva. 31. Muchal yili.

Yoy bo'yicha: 29. Qush a'zosi. 30. Ertapishar meva. 32. Olam, borliq. 33. Sersoya daraxt.

Diagonal bo'yicha o'ngga: 1. Turfa rang patli sayroqi qush. 3. Sayillarda o'tkaziladigan chavandozlik musobaqasi. 5. Qanotlari qoramtir, o'zi sariq chumchuqsimon sayroqi qush. 25. Uzum navi. 27. Ekinzor maskan. 46. O'simlik a'zosi.

Diagonal bo'yicha chapga: 3. Samodagi turfa rang manzara. 6. Bahor guli. 25. Erta bahor chechagi. 28. Mayda past bo'yli daraxt.

«Zanjir»holida: 10. Sumalak masallig'i, don. 11. Otlar podasi. 12. Uzumzor ko'rki. 13. Suvchi. 20.Alloma, ruboiynavis shoir Umar Xayyomning bahor ayyomiga bag'ishlangan asari. 21. Sayillarda o'tkaziladigan so'z ustalari bahsi. 22. Bahorda ochiladigan qirmizi gulli daraxt. 34. Ommaviy bayram tomoshalari. 35. Bargi va novdalaridan chambar tayyorlanadigan doimo yashil daraxt. 36. Ildizmevali sabzavot. 37. Shifobaxsh shirinlik. 38. Ishni ko'pchilikning ixtiyoriy ko'magi bilan amalga oshirish. 39. O'zbek xalq raqs kuyi. 40. Baland o'suvchi daraxt. 41. Yosh nihol. 42. Xushbo'y, ertapishar poliz ekini. 43. O'sib turgan o't-o'lan. 44. Qutlash, muborakbod.

**Foziljon ORIPOV tuzdi.**

**Абдураҳмон ЖЎРА**

Деразамни ёмғир чертади. Тун бўйи тарновлар куй чалишдан чарчамайди. Бутун борлиқдан ёмғир аралаш тупроқ ҳиди уфуради гўё. Табиат уйғониш қўшиғини бошлаб юборган.

## БИР КЕЧА КАШФИЁТИ



Рустам НАЗАРМАТОВ

Авваллари баҳор дарагини бойчечаклар олиб келади, деб ўйлардим. Энди билсам, сумалакнинг бўйидан таралар экан кўклам муждаси.

Момоларини кўриб келган болалар қувониб бир сўзни такрорлайди: "Сумалак олиб келдик, бувижоним сумалак бериб юборди".

Юрагимга қувонч оқиб киради, кўзларим кулади. Бунча ёқимли экан бу хабар. СУМАЛАК сўзи ҳам дилга она меҳри, юрт меҳри каби яқин экан-да.

Қадим таомнинг азизлиги унинг номи билан боғлиқдир балки. Бир нарса аниқки, халқимиз бу таомни бутун меҳр-муҳаббатини жо қилиб тайёрлайди. Қозон бошида айтилган ривоятлар, аллалару ширин яллалар хуштаъм қилади бу азиз неъматни.

Бувилар сумалак маслаҳатини қилиб, тараддудини кўраётган ҳамоно биз учун чинакам байрам бошланарди. Қозон осилган хонадонга йиғилиб яшин-топалоқ ўйнардик. Ўзимиз қўлбола қилиб ясаган ёғоч қошиқларни чўнтакка жойлаб, сумалакка қўшилган барча хонадонлардан ўтин йиғишга тушардик. Кексалар давра тўрида қизғин гурунг қилиб ўтирарди. Қиз-жувонлар хизматда. Энди билсам, шу баҳона онажонларимиз янги келинчаклар, бўйи етган қизларга рўзғор тутиш илмидан сабоқ берар экан.

Сумалак — бир кеча кашфиёти. У аждодлардан мерос қолган ўлмас қадриятдир. Бу таомнинг асл моҳияти ширин дийдорлашувда бўлса керак. Меҳр кўзда, дейдилар. Кўз таниш, кўнгил таниш. Йил бошланиши олдидан қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар йиғилиб, кўк сомсалар пиширган, дардларга малҳам улашган. Бир-бирларига руҳий далда бериб, яхши ниятлар қилган.

Ёру дўстлар жам бўлиб дошқозонда сумалак тайёрлашнинг хосиятини санаб адо қилиб бўлмайди. Халқимизни дунёга машҳур қилган меҳмондўстлик, пазандалик фазилатлари ҳам бизга мерос бўлиб келаётган мана шундай анъаналардан келиб чиққан аслида.

Баҳорда дарахтлар япроқ ёзаётганда инсонларнинг меҳридан мадад олар экан. Сумалакдек мазали, шифоли таом эса, ана шу дамларда каттаю кичикка қувват бўлган, дармондори вазифасини ўтаган. Ҳар йили баҳорга соғу саломат етиб келган момоларимиз содда тилаклар тилаган: "Янаги шу кунларга эсон-омон етайлик. Баҳор элу юртимизга қут-барака олиб келсин. Курраи заминимиз, юртимизда ҳамиша тинчлик-фаровонлик бўлсин"!

Бундан-да эзгу ва покиза тилак борми дунёда?!

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Тўмарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 3 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-336
Адади — 27232

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.50
ЎзА якуни — 22.40

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5 6